

# МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ




**Хисобот даврида касаба уюшмасининг барча даражадаги ташкилотларига аъзолардан 793 816 та мурожаатлар келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 536 651 таси ёки 67,6 фоизи қаноатлантирилган, 246 400**

**таси ёки 31 фоизига тушунтиришлар берилган, 2 798 таси ёки 0,3 фоизи тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган бўлса, 7 967 таси ёки 1 фоизи рад этилган.**

## Ушбу кўрсаткич йиллар кесимида қуйидаги жадвалда келтирилади:

Худудлар	Мурожаатлар сони	Қаноатлантирилган	Тушунтириш берилган	Бошқа ташкилотга	Рад этилган
<b>Жами</b>	<b>793 816</b>	<b>536 651</b>	<b>246 400</b>	<b>2798</b>	<b>7967</b>
2020 йил	59 160	51 182	7191	200	587
2021 йил	114 636	89 378	23 959	342	957
2022 йил	139 531	96 195	40 945	384	2007
2023 йил	206 116	133 596	70 178	771	1571
2024 йил	183 899	116 851	64 218	755	2075
2025 йил август	90 474	49 449	39 909	346	770



Йиллар кесимида қуйидагича **2020 йилда**

Худудлар	Мурожаатлар сони	Қаноатлантирилган	Тушунтириш берилган	Бошқа ташкилотга	Рад этилган
<b>Жами</b>	<b>59 160</b>	<b>50 290</b>	<b>8 009</b>	<b>274</b>	<b>587</b>
Қорақалп.Рес.	4725	4235	464	14	12
Андижон	2891	2856	35	0	0
Бухоро	3128	2932	196	0	0
Жиззах	2242	2011	231	0	0
Қашқадарё	5498	4448	846	7	197
Навоий	2141	1323	818	0	0
Наманган	10 708	10 397	270	30	11
Самарқанд	7598	6884	578	58	78
Сурхондарё	4285	3686	530	15	54
Сирдарё	2432	1151	1281	0	0
Тошкент в	2847	2104	654	67	22
Фарғона	5261	4797	400	17	47
Хоразм	2576	1519	1056	0	1
Тошкент ш	2828	1947	650	66	165

**2021 йилда**

Худудлар	Мурожаатлар сони	Қаноатлантирилган	Тушунтириш берилган	Бошқа ташкилотга	Рад этилган
<b>Жами</b>	<b>114 636</b>	<b>89 378</b>	<b>23 959</b>	<b>342</b>	<b>957</b>
Қорақалпоғистон Рес.	3913	3362	448	74	29
Андижон	21 363	18 906	2147	72	237
Бухоро	3146	2695	419	0	32
Жиззах	3150	2490	498	35	127
Қашқадарё	3468	1521	1946	1	0
Навоий	5321	3376	1918	15	12
Наманган	9827	8001	1601	50	15
Самарқанд	10 837	10 235	542	0	60
Сурхондарё	13 657	5304	8279	62	12
Сирдарё	4087	3523	511	27	26
Тошкент в	12 985	12 206	692	0	87
Фарғона	9653	8073	1544	6	30
Хоразм	3937	3143	774	0	20
Тошкент ш	9293	6543	2640	0	110

## 2022 йилда

Худудлар	Мурожаатлар сони	Қаноатлан-тирилган	Тушунтириш берилган	Бошқа ташкилотга	Рад этилган
<b>Жами</b>	<b>139 531</b>	<b>96 195</b>	<b>40 945</b>	<b>384</b>	<b>2 007</b>
Қорақалпоғистон	4257	3617	479	53	108
Андижон	21 338	15 475	5647	8	208
Бухоро	3186	2737	332	0	117
Жиззах	3299	2081	727	48	443
Қашқадарё	5361	3743	1558	3	57
Навоий	6875	5599	1276	0	0
Наманган	9782	6990	2457	62	273
Самарқанд	15 854	12 480	3176	0	198
Сурхондарё	17 807	7099	10 548	95	65
Сирдарё	4962	4134	631	0	197
Тошкент в	13 876	8653	5139	0	84
Фарғона	14 206	10 883	3078	98	147
Хоразм	5993	4494	1447	17	35
Тошкент ш	12735	8210	4450	0	75

## 2023 йилда

Худудлар	Мурожаатлар сони	Қаноатлан-тирилган	Тушунтириш берилган	Бошқа ташкилотга	Рад этилган
<b>Жами</b>	<b>206 116</b>	<b>133 596</b>	<b>70 178</b>	<b>771</b>	<b>1571</b>
Қорақалп.Рес.	5134	4702	321	18	93
Андижон	25 475	16 776	8458	24	217
Бухоро	5787	4803	973	0	11
Жиззах	4579	2428	2082	42	27
Қашқадарё	9356	4600	4735	4	17
Навоий	11 193	9908	1285	0	0
Наманган	18 434	11 233	6535	498	168
Самарқанд	18 069	13 714	4117	75	163
Сурхондарё	17 969	6028	11 838	37	66
Сирдарё	13 877	11 314	2420	14	129
Тошкент в	14 224	11 679	2096	54	395
Фарғона	14 245	10 680	3555	0	10
Хоразм	6132	3686	2406	4	36
Тошкент ш	41 642	22 045	19 357	1	239

## 2024 йилда

Худудлар	Мурожаатлар сони	Қаноатлан-тирилган	Тушунтириш берилган	Бошқа ташкилотга	Рад этилган
<b>Жами</b>	<b>183 899</b>	<b>116 851</b>	<b>64 218</b>	<b>755</b>	<b>2075</b>
Қорақалп.Р.	5722	4619	916	20	167
Андижон	16 927	13 449	3179	16	283
Бухоро	6411	5485	818	0	108
Жиззах	4591	2350	2104	85	52
Қашқадарё	9985	5772	4185	3	25
Навоий	11 728	5989	5717	0	22
Наманган	11 949	6427	5349	54	99
Самарқанд	12 621	8536	3984	50	51
Сурхондарё	4550	6996	11 648	230	49
Сирдарё	18 923	3642	898	0	10
Тошкент в	16 759	12 304	3937	109	409
Фарғона	14 445	10 864	3260	167	154
Хоразм	6934	3689	3238	1	6
Тошкент ш	42 354	26 729	14 985	0	640

## 2025 йил августгача

Худудлар	Жами	Қаноатлан-тирилган	Тушунтириш берилган	Рад этилган	Бошқа ташкилотга	Иш юритувчи
<b>Жами</b>	<b>90474</b>	<b>49449</b>	<b>36746</b>	<b>770</b>	<b>346</b>	<b>3163</b>
Қорақал.Рес.	2224	1947	263	5	1	8
Андижон	9474	5214	2730	45	87	1398
Бухоро	3925	3394	397	0	0	134
Жиззах	2325	1372	555	73	14	311
Қашқадарё	6570	3425	2787	0	3	355
Навоий	6896	2885	3935	31	28	17
Наманган	8065	4299	3318	31	82	335
Самарқанд	6380	4200	2149	17	12	2
Сирдарё	2305	1276	578	26	9	416
Сурхондарё	9374	3269	5925	153	5	22
Тошкент в	8793	6677	1796	111	55	154
Фарғона	2719	2152	493	19	50	5
Хоразм	3554	1881	1666	1	0	6
Тошкент ш.	17870	7458	10154	258	0	0

2023 йилга қадар касаб уюшмаси ташкилотларига келиб тушган мурожаатлар мазмуни бўйича таҳлиллар юритилмаган. 2023 йилдан бошлаб мурожаатлар мазмун жиҳатидан таҳлил қилина бошланди. Шу даврда барча ташкилотларга келиб тушган мурожаатлар 480 489 тани ташкил этган. Улардан 57 974 таси ёки 12,1 фоизи ҳуқуқий химояга оид, 32 038 таси ёки 6,7 фоизи меҳнат муҳофазаси масалаларига оид, 71 830 таси ёки 14,9 фоизи ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид, 70 734 таси ёки 14,7 фоизи санаторийга йўлланма ажратиш масалаларига, 44 519 таси ёки 9,3 фоизи болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратишга, 127 083 таси ёки 26,4 фоизи моддий ёрдам масалаларига оидни ташкил этган бўлса, 56 235 таси ёки 11,7 фоизи бошқа масалаларни, 20 076 таси ёки 4,2 фоизи касаб уюшмаси фаолиятига оид бўлмаган мурожаатларни ташкил қилди.

№	Жами	Ҳуқуқий химоя	Меҳнат муҳофазаси	Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар	Санатория	БСО	Моддий ёрдам	Бошқа масала	КУ фаолиятига оид эмас
<b>Жами</b>	<b>480 489</b>	<b>57 974 (12.1)</b>	<b>32 038 (6.7)</b>	<b>71 830 (14.9)</b>	<b>70 734 (14.7)</b>	<b>44 519 (9.3)</b>	<b>127 083 (26.4)</b>	<b>56 235 (11.7)</b>	<b>20 076 (4.2)</b>
2023 йил	206 116	24 733 (12.0)	13 222 (6.4)	29 221 (14.2)	29 892 (14.5)	18 460 (9.0)	57 010 (27.7)	25 723 (12.5)	7 855 (3.8)
2024 йил	183 899	23 949 (13.0)	12 241 (6.7)	32 832 (17.9)	27 061 (14.8)	14 600 (7.9)	46 099 (25.0)	19 385 (10.5)	7 732 (4.2)
2025 йил август	90 474	9 292 (10.3)	6 575 (7.3)	9 777 (10.8)	13 781 (15.2)	11 459 (12.7)	23 974 (26.4)	11 127 (12.3)	4 489 (5.0)

2023 йилда барча ташкилотларга келиб тушган мурожаатлар 206 116 тани ташкил этган. Улардан 24 733 таси ёки 12 фоизи ҳуқуқий химояга оид, 13 222 таси ёки 6,4 фоизи меҳнат муҳофазаси масалаларига оид, 29 221 таси ёки 14,2 фоизи ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид, 29 892 таси ёки 14,5 фоизи санаторийга йўлланма ажратиш масалаларига, 18 460 таси ёки 9,0 фоизи болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратишга, 57 010 таси ёки 27,7 фоизи моддий ёрдам масалаларига оидни ташкил этган бўлса, 25 723 таси ёки 12,5 фоизи бошқа масалаларни, 7 855 таси ёки 3,8 фоизи касаб уюшмаси фаолиятига оид бўлмаган мурожаатларни ташкил қилди.

2024 йилда барча ташкилотларга келиб тушган мурожаатлар 183 899 тани ташкил этган. Улардан 23 949 таси ёки 13 фоизи ҳуқуқий химояга оид, 12 241 таси ёки 6,7 фоизи меҳнат муҳофазаси масалаларига оид, 32 832 таси ёки 17,9 фоизи ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид, 27 061 таси ёки 14,8 фоизи санаторийга йўлланма ажратиш масалаларига, 14 600 таси ёки 7,9 фоизи болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратишга, 46 099 таси ёки 25 фоизи моддий ёрдам масалаларига оидни ташкил этган бўлса, 19 385 таси ёки 10,5 фоизи бошқа масалаларни, 7 732 таси ёки 4,2 фоизи касаб уюшмаси фаолиятига оид бўлмаган мурожаатларни ташкил қилди.

2025 йил августгача барча ташкилотларга келиб тушган мурожаатлар 90 474 тани ташкил этган. Улардан 9 292 таси ёки 10,3 фоизи ҳуқуқий химояга оид, 6 575 таси ёки 7,3 фоизи меҳнат муҳофазаси масалаларига оид, 9 777 таси ёки 10,8 фоизи ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид, 13 781 таси ёки 15,2 фоизи санаторийга йўлланма ажратиш масалаларига, 11 459 таси ёки 12,7 фоизи болалар оромгоҳларига йўлланмалар ажратишга, 23 974 таси ёки 26,4 фоизи моддий ёрдам масалаларига оидни ташкил этган бўлса, 11 127 таси ёки 12,3 фоизи бошқа масалаларни, 4 489 таси ёки 5 фоизи касаб уюшмаси фаолиятига оид бўлмаган мурожаатларни ташкил қилди.

2023 йил жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича:

Ҳисобот даврида тармоқ, касаба уюшмаси аъзолари томонидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ва бошқа масалаларда Республика Кенгашидан ташқари ҳудудий Кенгашларга, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларига 206 116 та мурожаат келиб тушган.

Мазкур мурожаатлар мазмун жиҳатидан қуйидагича:

Ҳуқуқий ҳимояга оид 24 733 та (12%), меҳнат муҳофазасига - 13 222 та (6.4%), ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишга - 29 221 та (14.2%), санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш масаласида - 29 892 та (14.5%), ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш бўйича - 18 460 та (9%), моддий ёрдам кўрсатишга - 57 010 та (27.7%), бошқа масалаларга - 25 723 та (12.5%) ва КУ фаолиятига оид бўлмаган - 7855 та (3.8%) мурожаат қабул қилинган.

Худуд	Жами	Ҳуқуқий ҳимоя	Меҳнат муҳофазаси	Ижтимоий иқтисодий ҳуқуқлар	Санатория	БСО	Моддий ёрдам	Бошқа масала	КУ фаолиятига оид эмас
<b>Жами</b>	<b>206 116</b>	<b>24733 (12.0)</b>	<b>13 222 (6.4)</b>	<b>29 221 (14.2)</b>	<b>29 892 (14.5)</b>	<b>18 460 (9.0)</b>	<b>57 010 (27.7)</b>	<b>25 723 (12.5)</b>	<b>7 855 (3.8)</b>
Қорақалпоғистон Рес.	5134	89 (1.7)	53 (1.0)	675 (13.1)	449 (8.7)	409 (8.0)	2269 (44.2)	1144 (22.3)	46 (0.9)
Андижон	25475	6601 (25.9)	259 (1.0)	6363 (25.0)	695 (2.7)	1067 (4.2)	10371 (40.7)	69 (0.3)	50 (0.2)
Бухоро	5787	389 (6.7)	221 (3.8)	257 (4.4)	590 (10.2)	835 (14.4)	3298 (57.0)	114 (2.0)	83 (1.4)
Жиззах	4579	197 (4.3)	167 (3.6)	266 (5.8)	900 (19.7)	734 (16.0)	1794 (39.2)	398 (8.7)	123 (2.7)
Қашқадарё	9356	1387 (14.8)	45 (0.5)	106 (1.1)	835 (8.9)	1606 (17.2)	2611 (27.9)	2616 (28.0)	150 (1.6)
Навоний	11193	2712 (24.2)	1211 (10.8)	1345 (12.0)	1546 (13.8)	237 (2.1)	3340 (29.8)	445 (4.0)	357 (3.2)
Наманган	18434	1972 (10.7)	1940 (10.5)	2495 (13.5)	2604 (14.1)	1510 (8.2)	5399 (29.3)	1029 (5.6)	1485 (8.1)
Самарқанд	18069	715 (4.0)	612 (3.4)	851 (4.7)	1516 (8.4)	1080 (6.0)	3568 (19.7)	8544 (47.3)	1183 (6.5)
Сурхондарё	17969	1935 (10.8)	999 (5.5)	2479 (13.8)	1237 (6.9)	841 (4.7)	2202 (12.3)	5679 (31.6)	2597 (14.5)
Сирдарё	13877	1184 (8.5)	490 (3.5)	1334 (9.6)	3194 (23.0)	3170 (22.8)	3611 (26.0)	695 (5.1)	199 (1.4)
Тошкент в	14224	4151 (29.2)	4414 (31.0)	3438 (24.2)	591 (4.2)	371 (2.6)	712 (5.0)	150 (1.1)	397 (2.8)
Фарғона	14245	405 (2.8)	570 (4.0)	1051 (7.4)	1942 (13.6)	1770 (12.4)	6333 (44.5)	1560 (11.0)	614 (4.3)
Хоразм	6132	559 (9.1)	281 (4.6)	553 (9.0)	1059 (17.3)	547 (8.9)	1848 (30.1)	1128 (18.4)	157 (2.6)
Тошкент ш	41624	2437 (5.9)	1960 (4.7)	8008 (19.2)	12734 (30.3)	4238 (10.3)	9654 (23.2)	2152 (5.2)	414 (1.0)

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилиши аҳволи тўғрисида 2024 йил таҳлили:

Ҳисобот даврида тармоқ касаба уюшмаси аъзолари томонидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ва бошқа масалаларда Республика Кенгашидан ташқари ҳудудий Кенгашларга, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларига 183 899 та мурожаат келиб тушган.

Мазкур мурожаатлар мазмун жиҳатидан қуйидагича:

Ҳуқуқий ҳимояга оид 23 949 та (13%), меҳнат муҳофазасига - 12 241 та (6.7%), ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишга - 32 832 та (17.9%), санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш масаласида - 27 061 та (14.8%), ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш бўйича - 14 600 та (7.9%), моддий ёрдам кўрсатишга - 46 099 та (25%), бошқа масалаларга - 19 385 та (10.5%) ва КУ фаолиятига оид бўлмаган - 7732 та (4.2%) мурожаат қабул қилинган.

Мазкур кўрсаткичлар ҳудудлар кесимида қуйидагича:

Ҳудуд	Жами	Ҳуқуқий ҳимоя	Меҳнат муҳофазаси	Ижтимоий иқтисодий ҳуқуқлар	Санатория	БСО	Моддий ёрдам	Бошқа масала	КУ фаолиятига оид эмас
<b>Жами</b>	<b>183 899</b>	<b>23 949 (13.0)</b>	<b>12 241 (6.7)</b>	<b>32 832 (17.9)</b>	<b>27 061 (14.8)</b>	<b>14 600 (7.9)</b>	<b>46 099 (25.0)</b>	<b>19 385 (10.5)</b>	<b>7 732 (4.2)</b>
Қорақалпоғистон Республикаси.	5722	538 (9.4)	96 (1.6)	951 (16.7)	631 (11.0)	548 (9.6)	2334 (40.8)	595 (10.4)	29 (0.5)
Андижон	16927	2842 (16.8)	87 (0.5)	2799 (16.5)	3980 (23.5)	1265 (7.5)	5911 (34.9)	26 (0.2)	17 (0.1)
Бухоро	6411	703 (10.9)	553 (8.6)	611 (9.5)	772 (12.0)	701 (11.0)	2927 (45.7)	80 (1.3)	64 (1.0)
Жиззах	4591	165 (3.6)	132 (3.0)	230 (4.7)	999 (21.7)	733 (16.1)	1610 (35.0)	567 (12.7)	155 (3.2)
Қашқадарё	9985	335 (3.3)	52 (0.5)	297 (3.0)	1883 (18.9)	2285 (22.9)	4863 (48.7)	213 (2.2)	57 (0.5)
Навоий	11728	1714 (14.6)	922 (7.8)	2145 (18.4)	1842 (15.7)	540 (4.6)	3122 (26.6)	988 (8.4)	455 (3.9)
Наманган	11949	1524 (12.7)	1421 (11.9)	1202 (10.0)	2442 (20.5)	1419 (11.9)	2318 (19.4)	908 (7.6)	715 (6.0)
Самарқанд	12621	474 (3.7)	157 (1.2)	618 (4.9)	1386 (11.0)	1391 (11.0)	2680 (21.2)	4789 (38.0)	1126 (9.0)
Сурхондарё	18923	3007 (15.9)	1062 (5.6)	1680 (8.9)	1081 (5.7)	1048 (5.5)	2522 (13.3)	5528 (29.3)	2995 (15.8)
Сирдарё	4550	374 (8.2)	166 (3.6)	757 (16.7)	1313 (28.9)	299 (6.6)	1415 (31.1)	158 (3.4)	68 (1.5)
Тошкент в	16759	4916 (29.4)	4088 (24.5)	3415 (20.4)	829 (4.9)	565 (3.3)	1354 (8.0)	549 (3.2)	1043 (6.3)
Фарғона	14445	587 (4.0)	594 (4.1)	923 (6.3)	2833 (19.7)	1835 (12.8)	5638 (39.0)	1546 (10.8)	489 (3.3)
Хоразм	6934	611 (8.8)	469 (6.7)	754 (10.9)	862 (12.4)	664 (9.6)	1940 (28.1)	1482 (21.3)	152 (2.2)
Тошкент ш	42354	6159 (14.5)	2442 (5.8)	16450 (38.9)	6208 (14.6)	1307 (3.0)	7465 (17.7)	1956 (4.7)	367 (0.8)

2025 йил август ойига қадар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича:

Ҳисобот даврида тармоқ касаба уюшмаси аъзолари томонидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ва бошқа масалаларда Республика Кенгашидан ташқари ҳудудий Кенгашларга, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларига 90 474 та мурожаат келиб тушган.

Мазкур мурожаатлар мазмун жиҳатидан қуйидагича:


Ҳуқуқий ҳимояга оид 9292 та (10.3%), меҳнат муҳофазасига - 6575 та (7.3%), ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишга - 9777 та (10.8%), санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш масаласида - 13 781 та (15.2%), ходимларнинг фарзандларини соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш бўйича - 11 459 та (12.7%), моддий ёрдам кўрсатишга - 23 974 та (26.4%), бошқа масалаларга - 11 127 та (12.3%) ва КУ фаолиятига оид бўлмаган - 4 489 та (5%) мурожаат қабул қилинган.

Ҳудуд	Жами	Ҳуқуқий ҳимоя	Меҳнат муҳофазаси	Ижтимоий иқтисодий ҳуқуқлар	Санатория	БСО	Моддий ёрдам	Бошқа масала	КУ фаолиятига оид эмас
<b>Жами</b>	<b>90 474</b>	<b>9 292 (10.3)</b>	<b>6 575 (7.3)</b>	<b>9 777 (10.8)</b>	<b>13 781 (15.2)</b>	<b>11 459 (12.7)</b>	<b>23 974 (26.4)</b>	<b>11 127 (12.3)</b>	<b>4 489 (5.0)</b>
Қорақалпоғiston Res.	2 224	198 (8.9)	66 (3.0)	180 (8.0)	260 (11.7)	0	1247 (56.1)	253 (11.4)	20 (0.9)
Андижон	9 474	202 (2.1)	177 (1.9)	243 (2.5)	1983 (21.0)	1230 (13.0)	5425 (57.3)	129 (1.3)	85 (0.9)
Бухоро	3 925	372 (9.5)	333 (8.5)	323 (8.2)	395 (10.1)	453 (11.5)	1923 (49.0)	70 (1.8)	56 (1.4)
Жиззах	2 325	75 (3.2)	69 (3.0)	98 (4.2)	554 (23.8)	342 (14.7)	851 (36.6)	302 (13.0)	34 (1.5)
Қашқадарё	6 570	253 (3.8)	51 (0.8)	198 (3.0)	1148 (17.5)	1450 (22.1)	3169 (48.2)	170 (2.6)	131 (2.0)
Навоий	6 896	893 (12.9)	644 (9.3)	1455 (21.2)	534 (7.7)	334 (4.8)	1522 (22.1)	988 (14.4)	526 (7.6)
Наманган	8 065	1180 (14.6)	1231 (15.2)	764 (9.5)	1288 (16.0)	791 (9.8)	1449 (18.0)	967 (12.0)	395 (4.9)
Самарқанд	6 380	187 (2.9)	81 (1.2)	316 (5.0)	723 (11.3)	845 (13.3)	1365 (21.4)	2406 (37.7)	457 (7.2)
Сурхондарё	9 374	1078 (11.5)	505 (5.4)	1013 (10.8)	608 (6.5)	695 (7.4)	1392 (14.8)	2784 (29.7)	1299 (13.9)
Сирдарё	2 305	131 (5.2)	58 (3.3)	62 (2.7)	548 (30.5)	537 (3.9)	698 (38.0)	238 (14.2)	33 (2.2)
Тошкент в	8 793	2518 (28.6)	1946 (22.1)	1434 (16.3)	384 (4.4)	322 (3.7)	580 (6.6)	480 (5.5)	1129 (12.8)
Фарғона	2 719	135 (5.0)	80 (2.9)	59 (2.2)	491 (18.0)	910 (33.5)	680 (25.0)	344 (12.7)	20 (0.7)
Хоразм	3 554	266 (7.5)	229 (6.5)	426 (12.0)	602 (16.9)	345 (9.7)	1125 (31.6)	532 (15.0)	29 (0.8)
Тошкент ш	17 870	1804 (10.0)	1105 (6.2)	3206 (17.9)	4263 (23.9)	3205 (17.9)	2548 (14.3)	1464 (8.3)	275 (1.5)

Ҳисобот давридаги йилларда касаба уюшма ташкилотлари сони ўртача 974 таданни ташкил этган. Улардаги аъзолар сони ўртача 847 835 нафарни ташкил қилган. Келиб тушган мурожаатлар ҳисобот даврида ҳар йили ўртача жами 132 303 тани ташкил қилган, ушбу мурожаатлар ҳар бир бошланғич ташкилотларга нисбатан 135.8 тани ташкил қилган бўлса, бир ойда битта ташкилотга ўртача 22.6 тадан мурожат келиб тушган. Ёки бу эса ҳар 100 нафар аъзолардан 15.6таси касаба уюшма ташкилотларига мурожаат қилганлигини билдиради.

	Касаба уюшма қўмиталари	Касаба уюшма аъзолари сони	Мурожаатлар сони	Ташкилотлар сонига мурожаатлар нисбати	Бир ойда ўртача бир ташкилотга келиб тушган мурожаатлар	Аъзолар сонига мурожаатлар нисбати (ҳар 100 тадан)
	974	847 835	132 303	135,8	22,6	15,6
2020 йил	979	771 141	59 160	60,4	5,0	7,7
2021 йил	995	804 081	114 636	115,2	9,6	14,3
2022 йил	995	804 081	139 531	140,2	11,7	17,4
2023 йил	994	857 575	206 116	207,4	17,3	24
2024 йил	946	881 101	183 899	194,4	16,2	20,9
2025 йил август	936	969 030	90 474	96,7	16,1	9,3

### Мурожаатлар таҳлили



## 2020 йилда

Худудлар	Касаба уюшма кўмиталари	Касаба уюшма аъзолари сони	Мурожаатлар сони	Ташкилотлар сонига мурожаатлар нисбати	Бир ойда ўртача бир ташкилотга келиб тушган мурожаатлар	Аъзолар сонига мурожаатлар нисбати (хар 100 гадан)
<b>Жами</b>	<b>979</b>	<b>771 141</b>	<b>59 160</b>	<b>60,4</b>	<b>5,0</b>	<b>7,7</b>
Қорақалп.Р.	85	40 882	4725	55,6	4,6	11,6
Андижон	62	59 513	2891	46,6	3,9	4,9
Бухоро	52	46 270	3128	60,1	5,0	6,8
Жиззах	47	24 337	2242	47,7	4,0	9,2
Қашқадарё	70	69 828	5498	78,5	6,5	7,9
Навоий	41	23 626	2141	52,2	4,3	9,1
Наманган	54	56 710	10 708	198,3	16,5	18,9
Самарқанд	69	63 382	7598	110,1	9,2	12,0
Сирдарё	44	46 466	4285	97,4	8,1	9,2
Сурхондарё	58	24 323	2432	41,9	3,5	10,0
Тошкент в	55	50 249	2847	51,8	4,3	5,7
Фарғона	86	89 172	5261	61,2	5,1	5,9
Хоразм	49	29 859	2576	52,6	4,4	8,6
Тошкент ш	207	116 524	2828	13,7	1,1	2,4

## 2021 йилда

Худудлар	Касаба уюшма кўмиталари	Касаба уюшма аъзолари сони	Мурожаатлар сони	Ташкилотлар сонига мурожаатлар нисбати	Бир ойда ўртача бир ташкилотга келиб тушган мурожаатлар	Аъзолар сонига мурожаатлар нисбати (хар 100 гадан)
<b>Жами</b>	<b>995</b>	<b>804 081</b>	<b>114 636</b>	<b>115,2</b>	<b>9,6</b>	<b>14,3</b>
Қорақалп.Рес.	66	42 797	3913	59,3	4,9	9,1
Андижон	62	64 691	21 363	344,6	28,7	33,0
Бухоро	62	49 079	3146	50,7	4,2	6,4
Жиззах	51	30 403	3150	61,8	5,1	10,4
Қашқадарё	70	75 166	3468	49,5	4,1	4,6
Навоий	43	26 934	5321	123,7	10,3	19,8
Наманган	57	59 491	9827	172,4	14,4	16,5
Самарқанд	68	73 199	10 837	159,4	13,3	14,8
Сирдарё	59	25 927	4087	69,3	5,8	15,8
Сурхондарё	47	48 428	13 657	290,6	24,2	28,2
Тошкент в	63	59 703	12 985	206,1	17,2	21,7
Фарғона	86	91 461	9653	112,2	9,4	10,6
Хоразм	49	36 101	3937	80,3	6,7	10,9
Тошкент ш	212	120 701	9293	43,8	3,7	7,7

## 2022 йилда

Худудлар	Касаба уюшма қўмиталари	Касаба уюшма аъзолари сони	Мурожаатлар сони	Ташкилотлар сонига мурожаатлар нисбати	Бир ойда ўртача бир ташкилотга келиб тушган мурожаатлар	Аъзолар сонига мурожаатлар нисбати (ҳар 100 тадан)
<b>Жами</b>	<b>995</b>	<b>804 081</b>	<b>139 531</b>	<b>140,2</b>	<b>11,7</b>	<b>17,4</b>
Қорақалп.Рес.	66	42 797	4257	64,5	5,4	9,9
Андижон	62	64 691	21338	344,2	28,7	33,0
Бухоро	62	49 079	3186	51,4	4,3	6,5
Жиззах	51	30 403	3299	64,7	5,4	10,9
Қашқадарё	70	75 166	5361	76,6	6,4	7,1
Навой	43	26 934	6875	159,9	13,3	25,5
Наманган	57	59 491	9782	171,6	14,3	16,4
Самарқанд	68	73 199	15854	233,1	19,4	21,7
Сирдарё	59	25 927	17807	301,8	25,2	68,7
Сурхондарё	47	48 428	4962	105,6	8,8	10,2
Тошкент в	63	59 703	13876	220,3	18,4	23,2
Фарғона	86	91 461	14206	165,2	13,8	15,5
Хоразм	49	36 101	5993	122,3	10,2	16,6
Тошкент ш	212	120 701	12735	60,1	5,0	10,6

## 2023 йилда

Худудлар	Касаба уюшма қўмиталари	Касаба уюшма аъзолари сони	Мурожаатлар сони	Ташкилотлар сонига мурожаатлар нисбати	Бир ойда ўртача бир ташкилотга келиб тушган мурожаатлар	Аъзолар сонига мурожаатлар нисбати (ҳар 100 тадан)
<b>Жами</b>	<b>994</b>	<b>857 575</b>	<b>206 116</b>	<b>207,4</b>	<b>17,3</b>	<b>24</b>
Қорақалп. Рес.	65	46 156	5134	79	6.6	11.1
Андижон	61	76 119	25 475	417.6	34.8	33.5
Бухоро	63	53 361	5787	91.9	7.7	10.8
Жиззах	52	34 002	4579	88.1	7.3	13.5
Қашқадарё	71	75 596	9356	131.8	11.0	12.4
Навой	46	31 296	11 193	243.3	20,3	35.8
Наманган	55	63 324	18 434	335.2	28.0	29.1
Самарқанд	69	80 645	18 069	261.9	21.8	22.4
Сирдарё	61	49 579	17 969	294.6	24.6	36.2
Сурхондарё	59	26 605	13 877	235.2	19.6	52.2
Тошкент в	66	60 621	14 224	215.5	18.0	23.5
Фарғона	91	94 151	14 245	156.5	13.0	15.1
Хоразм	51	37 322	6132	120.2	10.0	16.4
Тошкент ш	184	128 798	41 642	226.3	18.9	32.3

## 2024 йилда

Худудлар	Касаба уюшма кўмиталари	Касаба уюшма аъзолари сони	Мурожаатлар сони	Ташкилотлар сонига мурожаатлар нисбати	Бир ойда ўртача бир ташкилотга келиб тушган мурожаатлар	Аъзолар сонига мурожаатлар нисбати (хар 100 тадан)
<b>Жами</b>	<b>946</b>	<b>881 101</b>	<b>183899</b>	<b>194,4</b>	<b>16,2</b>	<b>20,9</b>
Қорақалп.Рес.	58	45 841	5722	98,6	8,2	12,5
Андижон	54	76 410	16927	313,4	26,1	22,1
Бухоро	57	56 686	6411	112,4	9,4	11,3
Жиззах	45	34 246	4591	102,0	8,5	13,4
Қашқадарё	68	71 570	9985	146,8	13,0	13,9
Навоий	43	31 734	11728	272,7	12,2	36,9
Наманган	53	63 910	11949	225,4	18,8	18,7
Самарқанд	64	89 488	12621	197,2	16,4	14,1
Сирдарё	54	26 912	4550	84,2	7,0	16,9
Сурхондарё	65	50 701	18923	291,1	24,2	37,3
Тошкент в	86	65 141	16759	194,8	15,9	25,7
Фарғона	71	97 207	14445	203,4	16,2	14,8
Хоразм	46	37 928	6934	150,7	12,6	18,3
Тошкент ш	182	133 327	42354	232,7	19,4	31,7

## 2025 йилда

Худудлар	Касаба уюшма кўмиталари	Касаба уюшма аъзолари сони	Мурожаатлар сони	Ташкилотлар сонига мурожаатлар нисбати	Бир ойда ўртача бир ташкилотга келиб тушган мурожаатлар	Аъзолар сонига мурожаатлар нисбати (хар 100 тадан)
<b>Жами</b>	<b>936</b>	<b>969 030</b>	<b>90 474</b>	<b>96,7</b>	<b>16,1</b>	<b>9,3</b>
Қорақалп.Рес.	58	47 473	2224	38,3	6,4	4,7
Андижон	53	81 653	9 474	178,7	30	11,6
Бухоро	57	61 797	3 925	68,9	11,5	6,4
Жиззах	46	36 645	2 325	50,5	8,4	6,3
Қашқадарё	66	81 164	6 570	99,5	16,6	8,1
Навоий	42	33 465	6 896	164,2	27,4	4,3
Наманган	52	66 719	8 065	155,1	25,8	20,6
Самарқанд	61	100 264	6 380	104,6	17,4	6,4
Сирдарё	54	28 006	2 305	42,7	7,1	8,2
Сурхондарё	62	56 485	9 374	151,2	25,2	16,6
Тошкент в	89	72 495	8 793	98,8	16,5	12,1
Фарғона	71	115 782	2 719	38,3	6,4	2,3
Хоразм	45	43 012	3 554	79	13,2	8,3
Тошкент ш	180	144 070	17 870	99,3	16,5	12,4


## Ижтимоий шерикчилик

2022 йилдан бошлаб, тармоқ миқёсидаги ўртача номинал иш ҳақи миқдори таҳлили ҳар бир соҳа кесимида алоҳида олиб борилди.

Таҳлиллар натижасига кўра, 2022 йилда ўртача номинал иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда – 2,4 млн. сўмни, Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий агентлик тизимидаги муассасаларда – 2,7 млн. сўмни, “Дори-Дармон” АК тизимидаги ташкилот ва муассасаларда – 1,7 млн. сўмни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Санатор-курортлар Бош бошқармаси тизимидаги муассасаларда – 2,3 млн. сўмни, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тизимидаги ташкилотларда – 1,0 млн. сўмни ташкил этди.

Ўртача номинал иш ҳақи 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда – 3,0 млн. сўмни, “Дори-Дармон” АК тизимидаги ташкилот ва муассасаларда – 1,9 млн. сўмни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Санатор-курортлар Бош бошқармаси тизимидаги муассасаларда – 3,0 млн. сўмни, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тизимидаги ташкилотларда – 1,4 млн. сўмни ташкил этди.

### ЎРТАЧА НОМИНАЛ ИШ ҲАҚИ



2024 йилда ходимларнинг ўртача номинал иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда – 3,3 млн. сўмни, “Дори-Дармон” АК тизимидаги ташкилот ва муассасаларда – 2,5 млн. сўмни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Санатор-курортлар Бош бошқармаси тизимидаги муассасаларда – 3,3 млн. сўмни ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тизимидаги ташкилотларда – 2,0 млн. сўмни ташкил этди.

**Касаба уюшмаси томонидан хисобот даврида ижтимоий шериклар билан ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, улар билан амалдаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларида белгиланганидан кўра кўпроқ имтиёз ва кафолатлар берилишига эришиш мақсадида жамоа келишуви ва шартномалари тузишга алоҳида эътибор қаратилди.**



Ижтимоий шериклар билан тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини тузиш, томонларнинг мажбуриятларни бажарилиши бўйича ҳисобдорлигини ошириш, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, бу борада жамоатчилик назоратини ташкил қилиш борасида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

2021 йилда тармоқ даражасида ходимлар ва иш берувчиларнинг тенг сонли вакилларида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссиялар тузилган бўлиб, ушбу комиссиялар томонидан меҳнат муносабатларини тартибга солинишини таъминлаш, жамоа музокараларини, маслаҳатлашувларини олиб бориш, жамоа келишувларининг лойиҳаларини тайёрлаш, уларни тузиш, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан тенг ҳуқуқлилиқ асосида назоратни амалга ошириб келинди.

**Ижтимоий шериклар билан Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларини тузиш, томонларнинг мажбуриятларни бажарилиши бўйича ҳисобдорлигини ошириш, ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, бу борада жамоатчилик назоратини ташкил қилиш қилиш борасида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.**



Ҳисобот даврида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича икки томонлама комиссияларнинг мажлислари жами 24 маротаба ўтказилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги билан 8 маротаба, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар Бош бошқармаси билан 5 маротаба, “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси билан 5 маротаба, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан 5 маротаба ва Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш Агентлиги билан 1 маротаба ўтказилди.

Уларда тармоқ жамоа келишувларининг йиллар якунидаги ижроси, комиссияларнинг иш режалари, ижтимоий шериклар билан тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида янги муддатга тузилаётган ҳамда ўзгартириш киритилаётган тармоқ жамоа келишувлари лойиҳаси ва бошқа масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.



2020 йилда “Дори-дармон” Акциядорлик Компанияси билан тузилган тармоқ келишувининг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли 2020-2022 йиллар учун янги муддатга тармоқ келишуви 2020 йил 12 август куни имзоланди.

2017-2019 йиллар учун тузилган тармоқ келишувига 140 та модда киритилган бўлса, 2020-2022 йиллар учун тузилган тармоқ келишувда уларнинг сони 148 тага етказилди.

2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар Бош бошқармаси ва Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти билан тузилган тармоқ келишувларининг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли 2021-2023 йиллар учун янги муддатга тармоқ келишувлари 2021 йил 26 февраль куни имзоланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан 2021 йил 7 ва 21 апрель кунлари Б-14 ва Б-19-сон билан билдириш рўйхатидан ўтказилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар бошқармаси билан 2018-2020 йиллар учун тузилган тармоқ келишувига 123 та модда киритилган бўлса, 2021-2023 йиллар учун тузилган тармоқ келишувда уларнинг сони 141 тага етказилди. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти билан 2018-2020 йиллар учун тузилган тармоқ келишувига 122 та модда киритилган бўлса, 2021-2023 йиллар учун тузилган тармоқ келишувда уларнинг сони 133 тага етказилди.

Худудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ўртасида 2021-2023 йиллар учун янги ҳудудий тармоқ келишувлари тузилди.

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган тармоқ келишувининг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли 2022-2024 йиллар учун янги муддатга тармоқ келишуви 2022 йил 18 апрель куни имзоланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан 2022 йил 31 май куни Б-62-сон билан билдириш рўйхатидан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан 2019-2021 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишувига 187 та банд киритилган бўлса, 2022-2024 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишувда уларнинг сони 201 тага етказилди.

Шунингдек, 2021 йил 25 мартдаги ПҚ-5038-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш Агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида жамоа музокараларини олиб борилиши натижасида муносиб меҳнат шароитларини яратиш, бандликни таъминлаш, дам олиш ва соғломлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар белгилаш, айниқса, ёшлар, аёллар, кексалар ва ногиронларни алоҳида қўллаб-қувватлаш, бу борада миллий ва халқаро меҳнат меъёрларига риоя этиш бўйича мажбуриятларни ўз ичига

олувчи 180 та банддан иборат янги тармоқ келишуви қабул қилинишига эришилди. 2022 йил 3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан Б-42-сон билан билдириш рўйхатидан ўтказилди.

Юқоридагиларга ва белгиланган тартибга асосан Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш Агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Ўзбекистон Соғиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг ҳудудий кенгашлари ўртасида 2022-2024 йиллар учун янги ҳудудий тармоқ келишувлари тузилди.

2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрдаги ЎРҚ-798-сон Қонуни билан Меҳнат кодекси янги таҳрирда тасдиқланди ва 2023 йил 30 апрелдан кучга кирди. Янги Меҳнат кодексига меҳнат соҳасидаги амалдаги меъёрларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, айрим меъёрлар олиб ташлангани муносабати билан амалдаги барча тармоқ жамоа келишувларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, амал қилиш муддати тугаган тармоқ жамоа келишуви янги муддатга имзоланди.

Жумладан, 2023 йил 14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Соғиқни сақлаш вазирлиги билан 2022-2024 йилларга тузилган амалдаги тармоқ жамоа келишувига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор имзоланди. Амалдаги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосида 32 та қўшимча янги банд ҳамда амалдаги 58 та бандга ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, айрим моддалар бевосита қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилгани, айрим шартлар долзарблигини йўқотганлиги сабабли 21 та банд чиқарилди. Натижада тармоқ жамоа келишувига жами бандлар сони 212 тага етказилди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2023 йил 2 май куни 92-В сон билан хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилди.

2023 йил 28 февраль куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар Бош бошқармаси билан 2021-2023 йилларга тузилган амалдаги Тармоқ жамоа келишувига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор имзоланди. Амалдаги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосида 31 та қўшимча янги банд ҳамда амалдаги 18 та бандга ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, айрим моддалар бевосита қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилгани сабабли 3 та банд чиқарилди, жами бандлар сони 164 тага етказилди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2023 йил 2 май куни 94-В сон билан хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилди.

2023 йил 28 апрель куни “Дори-Дармон” Акциядорлик компанияси билан 2023-2025 йилларга янги тармоқ жамоа келишувини тасдиқлаш тўғрисида қарор имзоланди. Амалдаги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида 30 та қўшимча янги банд ҳамда амалдаги 10 та бандга ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, айрим моддалар бевосита қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилгани сабабли 3 та банд чиқарилди, жами бандлар сони 182 тага етказилди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2023 йил 6 июнь куни 110-В сон билан хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилди.

2023 йил 20 февраль куни Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан 2021-2023 йилларга тузилган амалдаги тармоқ жамоа келишувига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор имзоланди. Амалдаги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосида 34 та қўшимча янги банд ҳамда амалдаги 20 та бандга ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, айрим моддалар бевосита қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилгани сабабли 1 та банд чиқарилди, жами бандлар сони 169 тага етказилди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2023 йил 2 май куни 91-В сон билан хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилди.

2023 йил Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий бошқарув органлари билан 2021-2023 йилларга тузилган ҳудудий жамоа келишувига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

2024 йилда 6 март куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан 2022-2024 йилларга тузилган тармоқ жамоа келишувига ўзгартириш киритилди. Амалдаги 3.21.-банди ўзаро келишган ҳолда чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2024 йил 20 март куни 167-сон билан хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилди.

2024 йил 2 февраль куни “Дори-Дармон” Акциядорлик Компанияси билан 2023-2025 йилларга тузилган тармоқ жамоа келишувига ўзгартириш киритилди. Амалдаги 3.13.-бандига ўзаро келишган ҳолда ўзгартириш киритилди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2024 йил 20 март куни 168-сон билан хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилди.

2024 йил 31 январь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар Бош бошқармаси билан 2024-2026 йилларга янги тармоқ жамоа келишувини тасдиқлаш тўғрисида қарор имзоланди. Амалдаги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга

асосида 2 та қўшимча янги банд киритилди. Жами бандлар сони 166 тага етказилди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2024 йил 4 март куни 163-сон билан хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилди.

2024 йил 31 январь куни Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан 2024-2026 йилларга янги тармоқ жамоа келишувини тасдиқлаш тўғрисида қарор имзоланди. Амалдаги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида 2 та қўшимча янги банд киритилди. Жами бандлар сони 171 тага етказилди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2024 йил 4 март куни 162-сон билан хабардор қилиш тартибида рўйхатдан ўтказилди.

Тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий кенгашлари билан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ўртасида 2024-2026 йиллар учун жами 14 та ҳудудий жамоа келишувлари тузилди.

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган тармоқ жамоа келишувининг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли 2025-2027 йиллар учун янги муддатга тармоқ жамоа келишуви 2025 йил 3 январь куни имзоланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан 2025 йил 12 февраль куни В175-сон билан билдириш рўйхатидан ўтказилди. 12 та бандга ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, айрим шартлар долзарблигини йўқотганлиги сабабли 3 та банд чиқарилди. Натижада тармоқ жамоа келишувидаги жами бандлар сони 209 тага етказилди.

Республика Кенгаши томонидан ушбу тармоқ жамоа келишувларида белгиланган шартлар доирасида тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари учун ҳар йили жамоа шартномасининг намунавий макети ишлаб чиқилиб, касаба уюшмаси сайтида эълон қилинмоқда, электрон шаклда бошланғич ташкилотларга юборилмоқда.

Маълумки, жамоа келишуви ва шартномалари қабул қилинишидан олдин уларда белгиланган шартларнинг амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига зид бўлмаслигини таъминлаш, ходимлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилишига эришиш мақсадида касаба уюшмасининг юқори ташкилотлари қошида ташкил этилган комиссиялар томонидан жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш амалиёти белгиланган.

Мазкур тартибга асосан тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда ҳудудий бўлинмаларида ташкил этилган жамоа келишувлари ва шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш бўйича комиссияси томонидан 2020 йил давомида 74 та жамоа шартномаси,